

JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

Tariyx. Huqıqtanıw. Ruwqıylıq tiykarları

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ДАВРИДА ҚАТАҒОН ОРҒАНЛАР

А.Абдуллаев – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: совет ҳокимияти, катағон органлар, инқилобий трибунал, тергов комиссия, Амударё бўлими, низом, суд палатаси, тергов комиссияси.

Ключевые слова: советская власть, репрессивные органы, революционный трибунал, следственная комиссия, Амударьинское управление, устав, судебная палата, следственная комиссия.

Key words: soviet power, repressive bodies, revolutionary tribunal, commission of inquiry, Amudarya administration, charter, judicial chamber, commission of inquiry.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни яратиш тўғрисидаги махсус қарориди, Ўзбекистоннинг янги тарихини ёзишда бирёклама ёндашувларга йўл қўймасдан ягона ҳолисона тадқиқот услубига амал қилиш, тадқиқот яратишда эски коммунистик-большевик мафкура ақидаларига ва ўтмишни сохталаштиришга йўл қўймаслик, тарихий жараёнларни ҳолисона баҳолаш, ёшларни миллий истиқлол ғоялари, ватанпарварлик ва умуминсонийлик руҳида тарбиялашда тарихий-воқеа-ҳодисаларнинг аҳамиятини эътиборга олиш тавсия қилинди.

Бу қарор «Қорақалпоғистоннинг янги тарихини» яратиш учун, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий тизимни ўрганишда ва ҳозирги кунгача давом этган ютуқларимизни диалектик нуқтаи назардан илмий таҳлил қилишда, тегишли хулосалар чиқаришда дастурил-амал ҳисобланади.

Биринчи Президентимиз 2015 йил 12 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишидаги нутқида ҳам яна тарих ҳақида қуйидаги фикрни билдирди: «Униб-ўсиб келаётган ёшларимизни тарих сабоқлари билан, тарих ҳақиқати билан қуроллантириш лозим. Мактабларимизда, лицей ва коллежларда, олий ўқув юр்தларимизда айни шу мавзуларни ҳолис ва ҳаққоний ёритиб беришга янада кўпроқ эътибор қаратишимиз керак», – деб тарихчилар олдида яна муҳим вазифа қўйди.

Асосий қисм. Бир сиёсий тузумдан иккинчи бир сиёсий тузумга ўтиш ҳеч қачон осон бўлмаган. Биз ўрганаётган давр ҳам халқ ўз озодлигидан, ҳақ-ҳуқуқларидан айрилган давр ҳисобланади. Россия ҳар қандай йўллар билан ўзининг XIX асрнинг ўрталарида бошлаб босиб олган ҳудудларини сақлаб қолиш учун ўз ҳокимиятини ўз сиёсатини юритиш учун янада «жозибали» шиор ва ғояларни ўйлаб топиб амалда қўллаб бошлади.

Совет ҳокимияти катағон органлари ичида халқни аёвсиз террор қилган инқилобий трибуналлар, Олий инқилобий трибунал ва унинг қошида ташкил этилган фавқулодда тергов комиссиялари алоҳида рол ўйнаган. 1918 йил 18 ноябрда Туркистон марказий ижроий қўмитасининг инқилобий трибунали ташкил этилган ва улар қошида тергов комиссияси ва айбловчилар хайъати ташкил этилган. Тергов комиссияси Марказий қўмита ва Халқ комиссарлари советига [1] бўйсунган, комиссия маҳаллий тергов комиссияларининг ҳам ишига раҳбарлик қилган ва улар ишини мувофиқ-

лаштириб турган [2]. Шунингдек, «Вилоят инқилобий трибуналлари ва уларнинг жойлардаги бўлимлари ҳақида Низом» ҳам тасдиқланган.

Низомнинг 1-моддасида Амударё бўлимига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, Петро-Александровскдаги Инқилобий трибуналга вилоят даражасидаги мақом берилган. Низомнинг 2-моддасида эса, Петро-Александровскдаги инқилобий трибуналга Амударё бўлиmidан ташқари, Хива ҳудудидаги аҳволнинг ҳам назорати топширилган. Вилоят инқилобий трибуналида қўриладиган иш Россия совет социалистик федератив республикалари номидан олиб борилган [3]. Шундай қилиб, 1919 йил 8 декабрда инқилобий трибунал Амударё бўлимида ҳам ташкил этилган [4]. Вилоят инқилобий трибуналларининг қарор ва ҳукмларига апелляция эмас, кассация тартибида шикоят ва эътироз белгиланган ва бир ой ичида Олий инқилобий трибуналга жойлардаги трибуналлар иши қайта қараб чиқиш учун мурожаат этилиши мумкин бўлган [5].

Маълум бир иш бўйича тергов жараёни тугагандан кейин 48 соат ичида Олий «инқилобий» трибуналнинг суди белгиланиши ва унинг ҳукм ва қарорлари апелляция ёки кассация шаклида қараб чиқилмаслиги ва суддан кейин 24 соат ичида ижро этилиши белгиланган.

Вилоятлардаги трибунал судларнинг қонун доирасида ишлаши бузилган ҳолатларда Олий совет «инқилобий» трибуналга кассация шаклида шикоят ва эътироз билдирилган. Шунингдек, «Вилоят «инқилобий» трибуналлари ва уларнинг жойлардаги бўлимлари ҳақида Низом» ҳам тасдиқланган.

Вилоят «инқилобий» трибуналининг судловига тегишли масалалар доираси кенгайтирилган. Вилоят «инқилобий» трибуналининг мажлиси 3 одамдан кам бўлмаган ҳолатда ташкил этилиб, унда раис ўринбосари, айбловчи ва ҳимоячи қатнашган. Трибунал суд хайъати бўлиб, унда асосан ҳарбий хизматчилар жинояти тўғрисидаги ишлар қўрилган. Аммо мустабид совет тузumi томонидан ташкил этилган олий трибунал, вилоят трибуналлари оддий меҳнатқашдан тортиб, раҳбар ҳодимгача судлаган.

1921 йил 18 апрелдаги Марказий ижроий қўмитанинг 46-сонли Декретининг 5-ва 6-бандига асосан, Аму-Дарё вилояти инқилобий трибунали тугатилган, аммо унинг ўрнига таркиби уч кишидан иборат, яъни раис ва икки аъзосидан иборат бўлган трибунал зудлик билан яна қайтадан ташкил этилган. Аъзоларининг бир нафари вилоят фавқулодда комиссияси хайъати аъзосидан иборат бўлиши шарт бўлган.

1921 йил 18 апрелдаги Марказий ижроий қўмитанинг 46-сонли Декретининг 5- ва 6-бандига асосан, Аму-Дарё вилояти инқилобий трибунали тугатилган, аммо унинг ўрнига таркиби уч кишидан иборат, яъни раис ва икки аъзосидан иборат бўлган трибунал зудлик билан яна қайтадан ташкил этилган. Аъзоларининг бир нафари вилоят фавқулодда комиссияси хайъати аъзосидан иборат бўлиши шарт бўлган.

Қайта ташкил этилган трибунал ҳақида кассация трибуналига хабар бериш сўралган. Трибунал аъзолари 3 ой муддатга сайланган. Ушбу 385 сонли хатни Аму-Дарё вилояти адлия бўлими мудир Ижроий қўмитага жўнатган [6]. 1921 йил 1 июнда 2-участка халқ судининг судьяси этиб Машерип Максумов тайинланган. Унинг Номзоди Халқ Суди ҳақидаги Низомнинг 12, 13 моддаларига тўғри келган [7].

Ўша даврда Озиқ-овқат масаласи катта муаммога айланган. Аму-Дарё вилояти ҳудудининг асосий уезд ва шаҳарларида бир неча бор трибуналнинг кўчма сессиялари ташкил этилган. 1921 йил 27 ноябрда Чимбойда озиқ-овқат масаласи бўйича ташкил этилган кўчма сессия Нердинская, М.Балджанов, Браславскийлар [8].

1923 йил 1-16 апрель кунлари Я.П.Войвод раислигида Караказак, Александров ва котиб Литовский иштирокида ташкил этилган [9]. «Иш»нинг кўплиги туфайли Чимбойга қўшимча терговчи сифатида Корнев ва бошқа ёрдамчи кучлар ҳам юборилган [10].

Я.П.Войвод трибунал иши якунида инқилобий трибуналнинг кўчма сессияси номидан Чимбой уезд шаҳар милицияси раиси Д.М.Зобенко, унинг пиёда взводи командири И.Гайваранскийга ва барча қоровул ҳамда кузатиб борувчи соқчилар гуруҳига, милиция ходимларига «миннатдорлик» билдирган. Бу ҳам инқилобий трибунал қанчалик маҳаллий халққа нисбатан аёвсиз қирғин қатагон ишларини «сифатли» олиб борганлигини, оч-ночор халқ ўта зийраклик билан кўрикланиб қамокқа олинганлигини билдиради.

Шаббоз ва Бийбазарда ҳам озиқ-овқат трибуналнинг кўчма сессиялари Вердинский раислигида, Крамарев, М.Балджановлар аъзолигида ташкил этилган. Ушбу кўчма сессиялар ўша жойнинг ўзида одамларни жазолаш, қамокқа олиш ҳақида ҳукм чиқарган, ижросини таъминлаб, аҳолини бор-будудан айирган.

Қанча террор бўлишига қарамасдан, ҳатто 1921 йилнинг охирига келганда ҳам озиқ-овқат масаласи ечилмаган, чунки ўлкадаги сиёсий ва ҳарбий ҳолатнинг таранглиги оқибатида аҳолининг тинч меҳнат қилишига имконият бўлмаган, натижада уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ниҳоятда оғирлашиб борган. Трибуналлар одамларни нафақат сиёсий, маънавий, жисмоний, балки моддий томондан ҳам қатагон қилган.

Вилоят инқилобий трибунали таркиби «тажрибали» кадрлар билан тўлдирилиб борилган. 1922 йил 1 сентябрдан бошлаб 34-буйруқ билан Амударё вилояти инқилобий трибунали аъзоси этиб, вилоят Давлат сиёсий бошқармаси бўлими бошлиғи Козловский [11], Амударё вилояти инқилобий трибуналнинг 48-буйруғи асосида 15 ноябрдан бошлаб Давлат сиёсий бошқармасидан трибунал аъзоси этиб, Кащицын ва В.Михайлов қабул этилган. Умуман олганда, 1921-1922 йилларда вилоят инқилобий трибуналнинг 50 та буйруғи

чиқарилган, трибунал фаолияти таҳлил қилинган, янада маҳаллий халққа нисбатан шавқатсиз бўлиш, уларни сўзсиз бўйсундириш масалалари қараб чиқилган ва ҳар хил топшириқлар берилган.

Тергов ишлари шу қадар кўпайиб кетганки, сўроқ учун хоналар етишмаган. 1922 йил 28 мартдан бошлаб Аму-Дарё вилоятига инқилобий трибуналнинг тергов ишларини кенг миқёсда олиб бориш учун қўшимча 5 та тергов хонаси ажратилган [12]. Трибунал раиси, трибунал аъзоси, котиб, терговчи, терговчи-маърузачи ва терговчи-ёрдамчи лавозимлари бўлган [13].

Архив ҳужжатларини таҳлил қилиб кўрганимизда, Вилоят инқилобий трибунали томонидан тузилган руйхатдаги «жиноят ишлари» 1, 60, 70, 98, 111, 128/3, 128/2, 131/2 ва ҳоказо рақамлар билан руйхатга олинган. Бу юзлаб одамлар қамалганлигини билдиради [14]. Улар қизил армия сафидан қочганлиги, аҳолидан ноқонуний пул йиққанлиги, пора бергани, совет ҳокимиятига бефарқ бўлганлиги, совет қонунларини бажармаганликлари учун Аму-Дарё вилояти инқилобий трибунали ва озиқ-овқат инқилобий трибунали томонидан қамалган.

1923 йил 19 мартда Аму-Дарё инқилобий трибунали томонидан Назар Шилимбетов 40 ёшли деҳқон 1 йилга, 1923 йил 22 февралдан бошлаб Сапар Акимов 46 ёшли деҳқон 1 йил 6 ойга, 1923 йил 11 январда Джуманияз Абдуллаев деҳқон 18 ёшли 2 йилга, 1922 йил 8 май Саур Хуразов 35 ёшли 5 йилга қамокқа олинган. С.Хуразов амнистияга тушган ва муддати учдан бир қисмга қисқарган. Инқилобий трибуналлар Россия социалистик федератив совет республикаси номидан ҳукм ўқиган. Бу ҳам ўлка халқларининг тўлиқ қарам халққа айланганлигининг белгисидир.

Архив ҳужжатларида Аму-Дарё вилоят инқилобий трибунали томонидан қамокқа олинганларнинг нима учун қамокқа олинаётганликларининг ҳатто сабаби кўрсатилмаган ҳоллар ҳам учрайди.

Аму-Дарё Вилоят ижроий қўмитасининг 51-сонли буйруғига асосланиб, Вилоят инқилобий трибунали ўзининг 1923 йил 1 июндаги 26-сонли буйруғининг биринчи банди билан ўз фаолияти ва барча ҳаракатларини тўхтатган. Трибуналнинг барча асбоб-ускуналари, анжом-ашёлари, шунингдек, ҳаракатдаги «трибунал амалга ошириши керак бўлган ишларнинг барча ҳужжатлари» (Таъкид бизники-А.А.) Вилоят судига берилган. 1923 йилги 27-сонли буйруққа асосан ўша даврдаги инқилобий трибунал аъзолари Г.Авдеев, Аташев 1 июндан бошлаб ишлаб турган вазифаларидан бўшатилган. Инқилобий трибунал раиси Я.П.Войвод вилоят суди раиси этиб тайинланган [15].

Хулоса. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мақолада Ватан тарихи тарихшунослигида илк бор мустамлака ва совет даврида Хива хонлиги ва Амударё бўлими қорақалпоқларининг маъмурий-ҳуқуқий тизимнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи махсус тадқиқот объекти сифатида яхлит даврий чегарада қиёсий таҳлил этилди.

Мақолада Амударё бўлимидаги янги суд тизими ва прокуратура органлари ваколатлари, функциялари ва фаолиятининг мазмуни таҳлил этилди. Рус суд тизими, прокуратура органлар ўлкани руслаштириш, мустамлакачиларнинг ўлкада эркин ҳаракатланишини таъминлаш, ўз маъмуриятини ҳимоя қилиш, маҳаллий

аҳолини буйсундириш учун хизмат килганлиги аниқланди; Хива хонлиги ҳудудидаги қорақалпоқларнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи янги кўз қарашда ўрганилди; Амударё бўлимида қози ва бий судлари олиб борган ишлари ўрганилди; Рус судларининг ташкил этилиши ва олиб борган ишлари таҳлил этилди; Империя даври прокуратурасининг ўлкада шаклланиши ва улар олиб борган сиёсат ўрганилди; Совет судларининг ташкил этилиши жараёни таҳлилий ўрганилди; Совет прокуратурасининг ташкил этилиши ва олиб борган ишлари таҳлил этилди; Суд ва

прокуратуранинг ўзаро муносабатлари, биргаликдаги иш жараёни ўрганилди; Совет мустабид тузуми даврида қорақалпоқларнинг анъанавий судлари фаолиятининг чекланиб бориши жараёни ва унинг оқибатлари таҳлил қилинди; Совет даврида совет суди халқ суди деб номланган, амалда жамиятни синфларга ажратиб, ҳукмрон мафкурага хизмат қилган суд, прокуратура тизими қатагон қуролига айланганлиги аниқланди.

Инқилобий трибунал расман буйруқ билан тугатилган бўлса ҳам амалда халққа нисбатан қирғин барот ишларни давом этаверган.

Адабиётлар

1. ЎзРМДА Р-17-жамғарма, 1-рўйхат, 21-йиғма жилд, 38-варақ.
2. Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанский Федеративной Республики. За 1918 г. С-19-20.
3. ЎзРМДА. Р-25-жамғарма, 1-рўйхат, 144-йиғма жилд, 128, 130-варақлар.
4. ЎзРМДА. Р-38-жамғарма, 2-рўйхат, 65-йиғма жилд, 183, 183-варақнинг орқаси. Бундан кейин «о» белгиси варақнинг орқаси мазмунини беради.
5. ЎзРМДА. Р-25-жамғарма, 1-рўйхат, 144-йиғма жилд, 229-о, 130-варақлар.
6. ҚРМДА. 12-жамғарма, 2-рўйхат, 7-йиғма жилд, 11, 11-варақнинг орқа томони.
7. ҚРМДА. 12-жамғарма, 2-рўйхат, 7-йиғма жилд, 8-варақ.
8. ҚРМДА. 67-жамғарма, 1-рўйхат, 22-йиғма жилд, 1, 2, 5, 7, 8, 11-варақ.
9. ҚРМДА. 113-жамғарма, 1-рўйхат, 9-йиғма жилд, 79-варақ.
10. ҚРМДА. 113-жамғарма, 1-рўйхат, 15-йиғма жилд, 16-варақ.
11. ҚРМДА. 113-жамғарма, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 5, 5-о-варақ.
12. ҚРМДА. 67-жамғарма, 1-рўйхат, 2-йиғма жилд, 11-варақ.
13. ҚРМДА. 67-жамғарма, 1-рўйхат, 2-йиғма жилд, 9, 9-о-варақ.
14. ҚРМДА. 67-жамғарма, 1-рўйхат, 22-йиғма жилд, 13-варақ; ЎЗРМДР-27 жамғарма, 1-рўйхат, 595-йиғма жилд, 1, 2, 3-варақ
15. ҚРМДА. 67-жамғарма, 1-рўйхат, 22-йиғма жилд, 13-о-варақ.

РЕЗЮМЕ. Мақолада қатагон органлари ичида халқни аёвсиз террор қилган инқилобий трибуналлар, Олий инқилобий трибунал ва унинг қошида ташкил этилган фавқулодда тергов комиссиялари алоҳида роль ўйнаган. 1918 йил 18 ноябрда Туркистон марказий ижройи кўмитасининг инқилобий трибунали ташкил этилган ва улар қошида тергов комиссияси ва айбловчилар хайъати ташкил этилган.

РЕЗЮМЕ. В статье среди репрессивных органов особую роль играли революционные трибуналы, Верховный революционный трибунал и созданные при нем чрезвычайные следственные комиссии. 18 ноября 1918 г. был учрежден Ревтрибунал ЦИК Туркестана, при нем учреждена следственная комиссия и суд присяжных заседателей.

SUMMARY. In this article, the revolutionary tribunals, the Supreme Revolutionary Tribunal and the extraordinary investigation commissions established under it, played a special role among the repressive bodies. On November 18, 1918, the revolutionary tribunal of the Central Executive Committee of Turkestan was established, and under them, an investigative commission and a jury of accusers were established.

ҚОРАҚАЛПОҚ БАДИИЙ КИНОСИ

(1991-2024 йиллар)

У.Е.Хужаниязов – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Қорақалпоқ академик лицейи

Таянч сўзлар: мустақиллик, санъат, режиссёр, фильм, студия, қисқа метражли фильм, актёр, комедия, “Қорақалпоқфильм”.

Ключевые слова: независимость, искусство, режиссёр, фильм, студия, короткометражный фильм, актёр, комедия, “Каракалпакфильм”.

Key words: Independence, art, director, film, studio, short film, actor, comedy, “Karakalpakfilm”.

Кириш. Маданиятимиз ривожини кино санъатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, бадий фильмларсиз. Чунки бадий фильмлар ахборот маконини ҳам, мусиқа ва адабиётнинг жилоларини ҳам, тасвирий санъат ва театр манзараларини ҳам ўзида жамлаган ҳолда воқе бўлиши ва инсонга ўша санъатлар таъсири ва эҳтиросини тақдим қила олиши билан завқлидир.

Адабиётлар таҳлили ва методлар. Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар, яъни тарихийлик, қиёсий-мантикий таҳлил, кетма-кетлик ҳамда

фанлараро ёндошувлар асосида ёритилган. Шунингдек, мавзуга оид олиб борилган тадқиқотлар ва нашр этилган илмий мақолалар таҳлил қилинди ҳамда умумий маълумотлар сифатида фойдаланилди [2].

Натижалар. Бугунги кунда жаҳоннинг етакчи давлатлари каби мустақил Ўзбекистон ҳам бу соҳага катта эътибор билан қараб, кино санъатининг барча турларини ривожлантиришга, унинг имконият ва ютуқларидан янгиланган жамият пойдеворини мустаҳкам қилиш йўлида фойдаланишга катта эътибор билан қарамоқда. Соҳа ривожини учун давлатимиз